





маълумки, феноменни факат бир бутун, яхлит холда тадқиқ этиш унинг моҳиятини англашга ёрдам бериши мумкин. Ёшлар орасида деструктив хулқ-атворнинг кўпайиб бориши жинойтлар, оилавий ажримларнинг ошишига ва албатта жамиятнинг таназзулига сабаб бўлади. Шу сабабли деструкция муаммосни тадқиқ этиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Аҳвол шу тарзда давом этса, маданият оммавий маданият томонидан буткул забт этилиши, барбод қилиниши мумкин. Ғарб, Европа, Россия телевидениеларидаги ахлоқсизлик, беҳаёликни ташвиқ этувчи кўрсатувлар, интернетга ҳеч қандай назоратдан ўтмай жойлаштирилаётган материаллар инсонларга зарарини ўлчаб бўлмайдиган даражада таъсир кўрсатмоқда. Бу ёшлар «Мен»ининг шакли бузилишига олиб келмоқда, ижтимоий муҳит, социумда ўз ўрнини топишига салбий таъсирини намоён қилмоқда, жиддий маънавий-ахлоқий муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ижтимоий воқеаларни индивидуал ва оммавий онг нуқтаи назаридан идрок этишда воқеликнинг объектив мезонлари асосида эмас, атайлаб, зўрлаб тикиштирилган суггестив ёрлиқлар, ясама мезонлар таъсирида ахборот, маълумотни қабул қилиш, уларга муносабатда бўлиш кучаймоқда.

Башариятнинг ушбу муаммоларни ҳамда бемаънилик ва деструктивликни, ижтимоий-маънавий ҳаёт, маданиятдаги шизоид тенденцияларни бартараф этишида; инсоннинг ўзига ўзи бўлган ишончини, келажак ва ёрқин истиқболга бўлган интилишини оширишида иродавий сафарбарликни шакллантириш муҳим аҳамиятга молик жиҳат ҳисобланади. Зеро, шахсда ирода кучини тарбиялаш айна пайтдаги долзарб муаммолардан саналади, чунки инсон ҳар қанча иқтидорли, истеъдодли бўлмасин, агар ўзида иродавий зўриқишни, мақсадга мувофиқ фаолликни намоён этмаса, ўртамиёна, ҳатто куйи даражадаги киши сифатида қолавериши мумкин.

Маълумки, ҳозирги даврда ҳукуматимиз томонидан маданий меросимизни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳар томонлама ривожланган шахсни, баркамол авлодни камол топтиришда Шарқ мутафаккирлари, ўзбек ёзувчилари, ижодкорларининг ижодий меросидан унумли фойдаланиш, улар илгари сурган миллий ва умуминсоний қадриятларнинг мазмун-моҳиятини ёш авлод онига сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларда муваффақиятга эришиш борасида мақсадга мувофиқ стереотипларни шакллантиришда жамоат ташкилотлари, педагоглар, таълим муассасалари, оила, оммавий ахборот воситалари, ота-оналар тегишли тарзда биргаликда фаолият олиб боришлари лозим. Ота-она (оила), таълим муассасаси ва жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлашга йўналтирилган педагогик ўзаро алоқа модели тизимли йўлга қўйилиши зарур. Ушбу модел конкрет муассаса, ташкилотлар ҳамда давлат ва жамиятнинг турли тузилмалари, бўғинлари даражасида фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Ёшларни бўш вақтидан унумли фойдаланишга ўргатиш, илмий салоҳиятни юксалтириш бўйича қўллаб қувватлаш, жинойт ва ҳуқуқбузарликка мойил ёшларни кенг қамровли назорат





ва тузатиш дастуридан ўтказиш ишларини ташкиллаш, ёлғиз яшовчи ёшларнинг яшаш шароитини ўрганиш ва муаммоларини бартараф этиш, алохида оталтиққа олинган ёшлар билан ташкилланадиган ишларни ҳисобини назоратга олиш ва ижобий натижаларни мониторинг қилиб бориш ўзининг самарасини беради.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонуни. Тошкент 23.09.2020 ЎРҚ-637
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент, «Маънавият», 2008.
3. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. -М.: Республика, 1994
4. Абдураззокова М. Дин ва сиёсат //Фан ва турмуш.-2000.-№2. -510-11.
5. Абдухалилов А. Диний экстремизм: кеча ва бугун //Жамият ва бошқарув.-2002.-№2.-Б.66-68.
6. Алимов Х. Бадий адабиёт таржимонлари ёш даврларининг психологик хусусиятлари. Психол.фан, номз. дисс. Т.: 1995.
7. Ананьев Б.Г. О принципах современного человекознания. М.: Наука, 1977.
8. Ананьев Б.Г. О проблемах современного человекознания. - СПб.: Питер, 2001.
9. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. Ленинградский гос.ун-т 1969 Л.

